

54(25)
0-86
РАҲИМЖОН ОТАЕВ

СУРНАЙ НАВОЛАРИ



Қиблагоҳим ва биринчи муаллимим
ЭГАМБЕРДИ ОТАЕВнинг чорак аср-
лик олида қолган нурли хотирасига
бағишлайман.

МУАЛЛИФ




РАҲИМЖОН ОТАЕВ

СУРНАЙ НАВОЛАРИ



Қиссалар, туркум бадиалар



Тошкент
«Камалак»
1991



Отаев Раҳимжон.

0—86 Сурнай наволари: Қиссалар, туркум бадиалар.— Т. ИПО «Камалак».— 1991.— 256 б.
0—86

Ёзувчи, мунаққид ва адабиётшунос олим Раҳимжон Отаевнинг янги туплами қиссалар ва бадиалардан ташкил топган. Асар қаҳрамонлари — замондошларимиз, олимлар, ижодкор зиёлилар, бугунги қайта қуриш даврининг фаол заҳматкашлари бўлмиш ёшлардир.

Отаев Раҳимжон. Мелодии сурная: Повести, эссе.

Ўз2

А $\frac{4702620201-17}{356 (04) - 91}$ 19—91

ISBN 5—633—00588—0

© Р. Отаев. 1991

АРЗИ ҲОЛ

Ҳурматли китобхон!

Биз сўнгги ўн йиллигида яшаб турган XX асрнинг таърифлари жуда кўп: инқилоб асри, коинот асри, атом асри, кибернетика асри... Булар ҳам тўғри, лекин, назаримда, асримиз мисли кўрилмаган ғаройиботлару қўтилмаган эврилишлар асри бўлиб тарихга кирса ажабмас. Бу асрда бир томонда — инсон ернинг тортиш кучини енгиб, коинотга илк қадамини қўйди. Иккинчи томонда — қуёшнинг ҳалокатли ультрабинафша нурларидан ойна-заминни иҳоталаб турувчи азон қатлами тешилди. Бир томонда — инсониятнинг учар гилам (самолёт), ойнаи жаҳон (телевизор)... хусусидаги не-не орзулари рўёбга чиқди. Иккинчи томонда — ҳар қандай тирикликнинг тўрт унсури, тўрт ибтидоси (ҳаво, сув, туپроқ, олов)дан дастлабки учтаси табиий поклигини йўқотиб қўйди. Айрим минтақаларда эса, улар деярли яроқсиз ҳолга келиб қолди. (Хайриятки, тўртинчи унсур — оловни булгатиш мумкин эмас, хайриятки, олов поклайди, аниққса, юрак олови!)...

Ҳан бепоеън мамлакатимиз хусусида кетгудек бўлса, айтиш керакки, асримизнинг биринчи ярми «Коммунизм сари олга!» қабилидаги баландпарвоз шиорлар остида кечди. Ҳатто Н. С. Хрушчев коммунизмнинг қу-

рилиш вақтини («80-йилларда», деб!) «аниқ башорат» қилди. Ваъдадаги муддатга келиб, қайта қуриш ва ошкоралик шарофати билан маълум бўлдики, улкан мамлакатимиз коммунизмда эмас, нақ ҳалокат бўсағасида турган экан!..

Энди ўз юртимизнинг яқин ўтмишига кўз ташласак, бир томонда — «Ўзбекистон — Шарқда машъал», «Ўзбекистон — Шарқ юлдузи» сингари авж пардалардаги карнайу поғора садолари қулоқларни қоматга келтирди. Иккинчи томонда — кўҳна ва бой маданиятимиз ич-ичидан нураб емирилди, ягона денгизимиз қуришга юз тутди, ер-сувимиз заҳарланди, боғ ва узумзорларимизга қирон келди, тоғларимиздан барака қочди... Халқнинг аҳволи ҳам ҳаминқадар. Бир томонда — ўзбек халқи, ўқтин-ўқтин содир бўлган қатлу қирғинлардан қатъи назар, эҳтимолки, уларга аччиқма-аччиқ, ҳар қалай, ўзидан кўпайди: бири-икки, ўн миллиони йигирма миллион бўлди. Иккинчи томонда — тоғни урса талқон қиладиган не-не Ҳакимбеклару Фарҳодлар меҳнатда чақилиб, турфа заҳри қотилга беланиб, рамақижон бўлиб қолди...

Ҳа, бунақанги ажойиб-гаройиб ва ўзаро зид эврилишларни кўҳна тарих кўрмаган!

Мана шундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гаройиб эврилишлар замонида одам боласининг руҳида нималар рўй берди? Унинг кўнгли тўқ, толеи бут, руҳи саломат, имони бутунми? Ва ё «Кўнглим ҳам бу кеча ойдек яримта», дея нола қилган Шоир ҳақми? Одам боласининг туйғулари тобора бойиб, эзгулашиб, нафислашиб боряптими? Ва ё «Инсоният тарихида ақлий тараққиёт руҳий инқироз билан ёнма-ён кечади», деган Жан Жак Руссо ҳақми?.. Бугунги кунда айниқса шу саволлар «киши руҳининг инженерлари» бўлмиш ёзувчиларни қаттиқ безовта этиши табиийдир. Зеро, аминманки, юқорида саналган ва саналмаган кулли кулфатларнинг туб илди-зи — руҳимизда, руҳимизнинг хаста-беморлигидадир. Одам боласининг имон-эътиқоди суетлашиб, инсофдиёнатдан мосуво бўлиб, ҳиссизлик, меҳр-оқибатсизлик,

шубҳа, алдон, шафқатсизлик, баднафслик каби шайтоний иллатлар исканжасида амал-тақал кун кўраётганида, уйлаيمانки, балонинг боши!

Дарвоқе, XX асрнинг яна бир таърифи бор: «рационал аср», яъни, тафаккур асри бу! Афсуски, инеонга ҳос русий таничдан ажраб, шайтоннинг қутқусига учиб, нафс аждарҳосию жаҳл арслонининг комига тушган бе-бошивоқ ақл, қуруқ ҳисоб-китоб, яъни, «ақллилик балонинг не не инжа туйғуларни, худди тоғлардан қочган охулардек, кўнгиллардан қувғин этмади дейсиз!


Шундай қилиб, гапнинг индаллосига кўчсак, бугунги кунда «эскилик сарқити»га айланиб қолаёзган туйғуларининг узига ҳос «қизил китоби»ни яратиш, ошкораниш даври имкониятларидан фойдаланиб очигини айтай, ченинг кўп йиллик орзум эди. «Осмон тўла юлдузлар (Туйғулар ҳақида суҳбат)» номли фалсафий-бадий асарим (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983) бу йўлдаги дастлабки уриниш сифатида дунёга келган эди.

Маъқур тўплам кейинги йиллардаги ижодий изланишлар маҳсули бўлиб, унга жамланган қисса ва ба-шқаларда «характер яратиш» ёхуд «муаммони акс эттириш»дан ҳам аввалроқ қаҳрамоннинг айни РУҲИЙ ҲОЛАТИНИ қаламга олиш, чунончи, дард-алам, ишонч, итироб, ҳайрат, ҳурмат, муҳаббат, нафрат, шафқат... ТУЙГУЛАРИНИНГ ТИНИҚ СУВРАТИни чизишга ҳаракат қилдим. Сўз санъатида мавжуд бадий тасвир, таҳлил ва ифода воситаларидан, дейлик, ҳозирги Ғарб адабиётига ҳос руҳий таҳлил ва кўҳна Шарқ адабиётига ҳос шартли-маъжозий ифода усулларида аввало шу мақсадда имкон қадар кенгроқ фойдаланишга уриндим. Уринишларим кўнгилдагидек самара бердими-йўқми, руҳимизнинг асос-синчини ташкил этувчи айрим туйғуларининг суврати, яъни, кўнгил кўзгуси нечоғлик тиниқ — бу хусусда муайян хулосага келиш ва ҳукм чиқариш Сизга ҳавола, ҳурматли китобхон! Ғаройиб эври-нишлар асрининг имони бутун, руҳи соғлом, ҳайратлари ўлмаган, муҳаббати боқий одамлари, келинг, юрак ни-

доларию сурнай наволарига қулоқ тутайлик, шояд уларни тинглаб, хаста кўнгиллар шифо топса. Ахир, бундан минг йил муқаддам яшаган буюк бобокалонимиз, «муаллими соний» Абу Наср Форобий; нақл қилишларича, ўз юртдошларининг «Афросиёб каби вайрон», шикаста кўнгилларини даволайин деб, илоҳий чолғу — сурнайни яратган эканлар-ку! Шояд бу чолғу бугунги куннинг ҳам дардларига даво бўлолса!..

МУАЛЛИФ

ҚИССАЛАР



ҚАЛБ ДАРЧАСИ

«...— Биз нимага илмий иш қилмаганмиз? Қўлдан келмагани учунми? Кандидат бўламан, деб аллакимларга ялтоқланиб юришга тоқатимиз йўқ, билдингизми! Адабиётда эса, ҳақиқат билан шундоққина юзма-юз туриш мумкин!»

«...— фалсафангиз билан шугулланаверганингиз тузукмасмиди, Ҳаким ака?»

«...— Энди, жўра-а, гапнинг очиги, ўттиздан ошганда адабиётга тасодифан кириб қолишдан кимга наф бор? Кейин яна чиқиб кетолмасдан юрасиз!»

«...— ўзингиздан қолар гап йўқ, адабиёт ҳам мураккаблашиб кетди. Ижодга ёшликдан малака ҳосил қилиш, қаламни чархлаш керак. Сизнинг қаламингиз...»

«...— Йўқ, қиссангизни ёмон демоқчи эмасман. Унда фикр, ҳаяжон, дард, фалсафа бор. Лекин... далиллаш, ишонтириш керак, бадийийлик деган гаплар ҳам бор. Қиссангиз бўлса, одамни ишонтирмайдиган тасодифларга тўлиб кетган».

«...— Тасодифий илҳом, тасодифан ёзилган қисса, тасодифий қадаму тасодифга тўла асар!»

«...— Қолаверса, мана, қаранг, қахрамонингиз ўттиздан ошиб кетибди-ю, тайинли бир иш қилолмабди. Бундай қахрамон...»

«...— Бир ўтиришда ёзганга ўхшайсиз».

Ҳаким нимқоронғи йўлақлардан юриб ташқарига чиқди, қаршисида ярқираб турган Ленин музейи саҳнидаги турнақатор ўриндиқлардан бирига бемажол чўкди ҳамки, қулоғининг шанғиллаши, бошининг ғувиллаши босилмади. Қулоқлари остида бир дўрилдоқ, бир ингичка овоз басма-бас эшитилар, улардаги заҳарханда, пичинг, ачиниш, мазах оҳанглари елкаларидан зилдай юк каби босиб, ернарчин қилиб юборгудек бўлар эди...

«Тасодиф» эмиш! Нимаси тасодиф? Бошдан ўтганларию кўнгилдан кечирганларини рўй-рост ифодаласа — шу тасодиф бўладими? «Далиллаш, ишонтириш керак»миш! Ишонтириш учун қайтадан янаб кўрсатсинми? Яна бу киши «ҳақиқат билан шундоққина юзма-юз туриш» учун ёзувчи бўлганмиш, шу сабабли илмий иш қилмаганмиш! Ҳақиқатга юзма-юз келганида... ҳаммаси тасодиф эмиш!

Ҳа, тан олади, ўттиз тўрт йиллик умри давомида омунича тасодифларга дуч келдими. Академик эмас, оддий бир бошланғич синф ўқитувчисининг оиласида дунёга келди — тасодифми? Тасодиф! Етти ўғилнинг («етти оға-ини ботирлар»нинг) иккинчиси — тасодифми? Тасодиф! Бундан роппа-роса ўн саккиз йил илгари — у тўққизинчи синфни эндигина битирган пайтлар — соппа-соғ юрган отаси бехос қазо қилди. Нега, нима сабабдан ўлди? Эҳ-ҳ, қанийди билса! Билганида неча йиллардан бери бунақа изтироб чекиб юрмасди-ку! Ўша машъум онларда, минг афсуски, юз минг армонки, отасининг бошида турмаган бўлса, кўп марта эшитган, бири иккинчисини инкор этувчи гапларнинг қай бири тўғрилигини ўзи ҳам билмаса, бошқаларни қандоқ ишонтирсин?! Ахир, отангизнинг шифотини — ҳаётингиздаги шундай бир фожиани «исботу далил»ларсиз, кўнглингизнинг туб-тубидан чиқариб айтолмасангиз, қанақа адабиёт бўлди ўзи бу?! «Далил»ланган ёлгон-яшиқдан иборат адабиётга тасодифан кирмай қўя қолади у! Ўзларига буюрсин ана шу адабиёт! Юрагида зил юк бўлиб ётган изтиробларини, илмий ишида баён этолмаган муқаддас туйғуларини очиқ-ошкор ифодалаган эди у қиссасида. Шунга шунча кинояю қочиримми?!

Эҳ-ҳ! Тўққизинчи синфнинг бошларида тасодифанми ё зарурият тақозосига кўрами қишлоқларига Зеболар кўчиб келмаганида, Ҳаким бу қиз билан бир мактабда ўқимаганида, энг ёмони — уни севиб қолмаганида бу можароларнинг ҳеч бири рўй бермасмиди. Ўшанга қадар адабиёт деганларига истехзо билан қарар, уни «олди-қочди гап» деб биларди! Ҳа, аввал-бошда Зебони севиб қолмаганида балки бундай довдираб юрмасмиди, бутунлай бошқача одам бўлармиди, мутлақо бошқа касб-корнинг бошини тутармиди! Математикани қанчалик яхши кўрар эди! Ўқитувчилари «Сендан зўр математик чиқади!», деб ишонтиришарди-ку!

Йўқ! Беҳуда чиранишнинг нима кераги бор! Гапнинг индаллосини айтганда, қиссанг ҳали хомдирки, қайтариб қўлингга тутқазишди. Ўттиз тўрт ёшни уриб қўйиб, ҳали-ҳанузгача сендан на файласуф, на тузукроқ адабиётчи чиқмабдими, зў-ўр математик чиқиши ҳам даргумон эди-ёв! Тан ол-қўй-да, айб ўзингда! Ҳамма гап сенинг такаббурлигинг-у, беқарорлигингда. Ўнинчи синфни битиргач математика муаллиминг —

отангнинг никоҳ жўраси ойингни базўр кўндириб, қизи қаторида сени ҳам университетнинг математика факультетига олиб келганида... киролмадинг-ку? Зўр бўлсанг, ўшанда ўқишга кирмасмидинг?!

Ҳакимнинг тасаввурида бундан ўн етти йил илгариги ўша воқеалар қайта жонланди. Қулоқлари остида муаллимнинг жонкуярлик билан куйиб-пишганлари қайта янграб кетгандай бўлди: «...Бир ҳамюртимиз сенларга ёрдам беради, гаплашиб қўйдим. Ҳо-ов анови одам, яхшилаб таниб олинглар. Фақат ўшанга жавоб берасанлар. Олдидаги курсининг бўшабини кутинглар, хўп?»

Ҳаким имтиҳонга кирди, билет олиб, тайёrlаниш учун ўтирди. Тасодифми ё аслида ҳам шунчалик зўр билармиди, хуллас, билетдаги саволлар ниҳоятда жўн, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан жавоб бера оладиган даражада осон туюлди унга. Кутди-кутди, қарайдики, ҳамюртининг рўпарасидаги курси ҳали-вери бўшайдиган эмас. Ҳакимнинг сабри чидамади. «Барибир ҳаммасига жавоб бера оламан-ку» деган ишонч устун келиб, юзлари қизларникидек силлиқ, ялтироқ бир ўқитувчининг олдидаги бўш курсига бориб ўтирди. Энди жавоб бера бошлаган эдики, бояги «таниш»и ҳамкасбининг қошига келиб энгашди-да, қулоғига аста шивирлади:

— Шу болани унча қийнаманг!

Бу гапни фақат икки одам эшитди: ялтироқ домла билан Ҳаким.

Ўшандаги хатти-ҳаракатлари, мана, неча йилларки, Ҳакимнинг дам кулгисини қистатади, дам афсуслантиради: ё шивир-шивир нафсониятига тегди, ё ўзининг зўрлигини пеш қилмоқчи бўлди, хуллас, гўё торгина имтиҳон хонасида эмас, кенг пахтазор ўртасидаги дала шийпонида ўтиргандай: «Майли, қийнаса қийнайверсин!», деди овозини баралла қўйиб. Ҳамшивирлар қизариб-бўзариб, ўзаро бир кўз уриштириб олишди. «Таниш»и индамасдан жойига бориб ўтирди. Ялтироқ домла эса, уни «талабларга мувофиқ» қийнашга киришди. Сўраб-сўраб, бир пайт олдида очик турган имтиҳон варақасига алланималарни ёза бошлади. Ҳаким беихтиёр ўқитувчининг билагига қўл чўзди:

— Неччи қўймоқчисиз?

— Яхши, яхши, — ўқитувчи унга ажабланибми, хавфсирабми, айни пайтда яққол сезилиб турувчи

тахқиромуз назар билан қарар экан. — Яхши билар экансиз, шунга лойиқ қўйяпман-да!

— «Яхши» нгиз неччи?

Домла иккилланаётгандай унга тикилганича андак ким қолди, сўнг аста, лекин қатъий қилиб:

— Уч! — деди.

Ҳаким ўриндиққа ястаниброқ ўтирди.

— Марҳамат, қўшимча савол беринг. Мен математи-
кдан камида тўртга биламан!

— Сездим — билар экансиз! — Домла ижирганиб деразага кўз тикди. Афтидан, баттар энсаси қотди. Сўнг яна унга ўгирилиб изоҳ берган бўлди: — Лекин жавобингизнинг ҳақиқий баҳоси — «уч». Сиз хафа бўлманг, факультетимизга фақат билағонлар келади. Конкурс қарийб бўлмайди. Текис уч билан ҳам бемалол кириб кетасиз...

Ўшанда ўқитувчи Ҳакимга тушунтирди, тасалли берди, уни мақтади — алдаб-авради, лекин имтиҳон нарақасидаги «уч» баҳо «уч» лигича қолаверди. Натижа эса ўқитувчи ишонтирганидай эмас, Ҳаким хавфсираганидай бўлиб чиқди: у конкурсдан ўтолмади! Атиги бир балл етмади, холос. Аниқ эсида, Тошкентда яшнган бўлган 1966 йилнинг таҳлика-ташвишли ёзи эди. Ўнинчи ва ўн биринчи синфлар бараварига битиргани учунми, ҳайтовур, бу «энг қийин ўқиш»га кириш илинжида юрганлар ҳам, мандат комиссиясига омон-эсон етиб келганлар ҳам мўлжалдагидан кўпроқ эди. Мактаб муаллимининг ўша кунги куйинишлари, Ҳакимни қийин-қийин аччиқ кулганлари! Ҳамманинг юзини ерга қаратгани учун Ҳакимнинг ўз ёғига ўзи қоврилганлари!

Кечки бўлимга кириб ўқишни маслаҳат беришувди, Ҳаким кўнмади:

— Ўқигандан кейин кундузи, астойдил ўқисанг-да! Кечки ҳам кирои ўқиш бўлибдими! Мен кечкида ўқимайман! — деди такаббурлиги тутиб.

Тамом! «Билағон» акам мағлуб жангчидай бошини қуйи солинтирганича қишлоққа қайтди ўшанда. Унинг бу қайтиши тасодиф бўлмаган эди! Дарвоқе, адабий ходим ҳам қиссанинг бу ерини тасодифий эмас, ҳаётий деди-я!

Ҳа, нафсиламбирини айтганда, ҳаётий бўлган эди-да, ўзи. Лекин, бари бир, ўшанда «йиқилиб» кетаётганига у қадар хафа бўлмади. «Бор-э, олишмаса олишмас, ўзларига қийин! — деб ўйлади у яна калондимоғлик

билан. — Қайтанга яхши бўлди. Ойимнинг оғирини енгил қилиб, акам уйлангунича укаларимга қарашиб, бирор йил ишлаб тураман. Қолаверса Зебо ҳали ўнинчида ўқияпти-ку». Кейинчалик бу қилмишини жуда кўп ўйлади. Анойилиги учун ўзини қайта-қайта сўқди. «Эҳ-ҳ, ўшанда тишини тишига маҳкам босиб, жимгина ўтирганида эди, ўлдим деганда «тўрт» қўйиб беришарди-я! Эҳтимол, бу кўргиликлар бўлмасди!» — ҳозир ҳам сўнгсиз бир ўкинч билан эслади Ҳаким. Лекин ичида бош кўтарган бошқа бир ўй уни исканжага оларди: «Тан олиш ҳам керак-да. Бу тасодифми — тасодиф! Айб ўзингдами — ўзингда!»

Кейинги йил-чи, кейинги йил? Математикасиз яшай олмайдиган одам орадан йил ўтар-ўтмай, «бир думалаб» ўзини филфакда кўрди. Зебога бағишлаб ёзган хом-хатала шеърларининг район газетасида эълон этилганини кўриб, «Э-э, мен асли шоир бўлишим керак экан!», деб ўйлагандир-да. Йўқса, нима бор эди унга филфакда адашиб... Ё қабулда ўша «таниш»ларнинг кўзига яна кўринишга юзи чидамадими? «Зебо ТошМИга кетганмиш!» деган гапни эшитгач, ойисию укаларининг оёқларига бош ургудек ёлбориб, қизнинг ортидан, ишқилиб, бирор институтга кириб ўқисам — бас, деб лўкиллаб қолди-ку!

Хуллас, Ҳаким ўша йили филфакка ҳужжат топширди. Энди билса, мана шу иши ҳаётидаги энг катта, тузатиб бўлмас хато бўлган экан. Ўшанда у тақдирини тўғри белгиламабди, очикдан-очик адашибди...

Тасодиф бўлмаса, бир йил аввал математика факультетига киролмаган Ҳакимнинг кейинги йил бир ўринга нақд йигирма абитуриент тўғри келадиган филфакка кириб кетганига нима дейсиз? Бунга анови адабий ходимлар эмас, Ҳакимнинг ўзи ҳам ҳали-ҳанузгача ажабланади. Ким билсин, нима сабаб бўлди: «Қандай бўлмасин, Зебо билан баб-баравар ўқишга киришим керак!» деган қатъий аҳдими, ё Ботир Эгамбердиевми, ишқилиб у зилзиладан кейинги йилнинг биринчи сентябрида филология факультетидаги аудиториялардан бирида ўтирарди! Бу ҳолга ишониш мушкул, лекин аслида ҳам шундай бўлгач, Ҳаким нима қилсин?!

Эсида, ҳужжатларни топшириб қўйиб, консультацияларга қатнашиб юрарди. Лекцияни кўзлари ўтдай чақноқ, тўғри, андак ғайриодатий, лекин ғоят меҳри-

биллик билан боқувчи ёш, ғайратчан бир домла — Ботир Эгамбердиев ўқиган эди. Москва Давлат университетида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилиб, индигина Тошкентга келган бу ўқитувчи ҳақидаги шов-шув гапларни Ҳаким абитуриентлигида кўп бор шунгидан эди. Ўшанда — консультациялар пайтида юзлаб абитуриент Эгамбердиевнинг ҳар бир гапини жон қулоғи билан тинглаб ўтирган, фақат Ҳаким ўзи тушиб келган бир қулоч «рўйхат»идаги саволларни устма-устига қалаштириб, домлани ечилмас жумбоқларга кўмиб ташлаган эди:

«Нега ҳозирги асарларимизда ёлғон кўп (Мисоллар...)»

«Нега жаҳон адабиётининг 200 жыллик кутубхонасига биздан фақатгина Алишер Навоий киритилган?»

«Нега ўзбек ёзувчиларидан биронтаси шу пайтга қадар Ленин мукофотига сазовор бўлолмаяпти?»...

Эгамбердиев эса... мактабларидаги айрим ўқитувчиларга ўхшаб хафа бўлмас, аксинча, ҳар бир саволдан кейин алланечук ҳаяжонланиб ёш боладай қувониб кетар эди. Сўнгги саволга жавоб бериб бўлгач, имлаб уни ўрнидан турғазди. «Кимсиз, қаердансиз ука?», дея қилиқди. Ҳакимнинг тутила-тутила баён қилган «таржимаи ҳол»ини маъқуллагандек бош ирғаб қўйди.

Кейин иншони бир нави ёзиб чиқди — «тўрт» олди. Худди кечагидай кўз олдида турибди: оғзаки имтиҳонни ўзидан атиги беш-олти ёшгина катта бир йигит билан бир қизга топширди. Аммо-лекин уларнинг олдида роса ўсал бўлди-да, ўзиям! Эҳтимолки, ўшанда илк марта бутун вужудини совуқ тер қошлаб, тубсиз жар ёқасида тургандай юраги орқасига тортиб кетди. Социалистик реализм ижодий методи ҳақидаги саволга эндигина жавоб бера бошлаган эди, қаршисидаги қотма, рангпар, бўтакўз домла унинг гапини чўрт кесиб:

— Тўхтанг, ука! Социалистик реализмнинг бешта принципи бор. Ўшаларни номма-ном айтиб беринг-чи! — дея оёқ тираб олса бўладими...

— Ҳаққонийлик, партиявийлик, — дея мингирлади-ю, бошқаларини эслолмай гарангланиб тураверди. «Тамом, ишлар пачава бўлди, — дея ўйлади иситмаси чиқиб. — Яна қовун туширдим!»

Шу пайт тўсатдан (ё тавба, шунақаси ҳам бўларкан-да!) эшиқдан лоп этиб Эгамбердиев кириб келди. Рангпар йигит билан қўл беришиб, қиз билан

бош ирғаб саломлашди-да, уларнинг қаватига ўтирар экан, Ҳакимга тикилиб қолди. Танидими ё бировга ўхшатдими, бир муддат қараб турди, сўнг рангпар йигитдан сўради:

— Қалай шу боланинг жавоби?

— Чатоғроқ...

Эгамбердиев унинг имтиҳон варақасини бирров кўздан кечириб, ёнидаги рангпар домлага узатди:

— «Яхши» қўяверинг! — шундай дея яна аллақандай қоғозларни кўздан кечирди, нималаргадир имзо чекди ва шоша-пиша ўрнидан қўзғалди.

Ҳаким нима бўлаётганини тўла англаб етмаган ҳолда ҳаяжондан энтикиб ташқарига отилди. Чиқаваришда Эгамбердиевга тўқнаш келдию:

— Раҳмат, домла! Бу яхшилигингизни... — дея шивирлади.

— Йўқ-йўқ, бу яхшилик эмас! Асл баҳонгизни олдингиз, ука! — деди Эгамбердиев ва тез-тез юриб ёнидан ўтиб кетди.

Лекин бари бир...

Эсида, Зебонинг ТошМИга киргани-ю, ўзининг мандат комиссиясидан тагин ўтолмаганини бараварига эшитди. Бу икки хабар бир кунга тўғри келди. Эрталаб ётоқхонада биринчисини эшитиб суюнганларию тушдан кейин университет ҳовлисида иккинчисини эшитиб қуйинганлари! Уч кун мобайнида «Наҳотки! Наҳотки!» лаб эски қўрғондек мустаҳкам гиштин бино теварагида гир айланиб девонадай кезганлари! «Ўн уч балл-а!.. Шуям етмаса...», дея изтироб оғушида одамни чилпарчин этувчи бу «ғаройибот» дан такрор-такрор ҳайрагга тушганлари! Хўш, буларни тасодиф эмас, деб исботлаш учун у яна нима қилсин?!

Буёғи-чи, буёғи? Мандат комиссиясидан сўнг орадан икки кун ўтиб, учинчи куни, ниҳоят, «Бўлди, тамом, ҳужжатларимни оламан-кетаман!» деган аҳду қарор билан эрталабданоқ университетга келиб, аммо қайтариб олишга журъати етмай, яна ўша боғда «дардига берилиб» ўтирган эди, кифтида кимнингдир майин билакларини туйди. Илкис бош бурди. Ёнида сочлари тилларанг, одмигина, лекин ўта озода кийинган йигирма тўрт-йигирма беш ёшлардаги нотаниш қиз унга ҳамдардлик билан тикилиб ўтирарди.

— Ҳа, нима бўлди, укажон, нимага йиғлаяпсиз?

Қизнинг овози алладай ҳузурбахш эшитилди унга.

Ҳаким кўзёшларини апил-тапил артиб, оғир-оғир хурсинганича қизга ҳаммасини гапириб берди. Негадир енида йигирма йилча кичрайиб қолган онаси ўтиргандай туюлиб кетди-да, тагин кўнгли юмшаб, унга илтижоли термулди.

— Қўйинг, хафа бўлманг! Йиғидан фойда чиқмайди, — деди нотаниш қиз. — Яхшиси, кириб суриштиринг, балки шу балл билан кечкигами, сиртқигами олишар?

«Ие, дарвоқе...» Ҳакимнинг кўз олди тўсатдан яришиб, нурга тўлгандай бўлди. Нотаниш қизга раҳмат айтишни ҳам унутиб хиёбоннинг шундоқ қаршисидаги гиштин бино томон талпинди. Иккинчи қаватга чиқувди ҳамки, каттакон залдаги одамларнинг тала-говурини босиб янграётган ўктам товушни эшитди: репродукторда унинг фамилияси ўқиларди. «Абитуриент Бобоев! Абитуриент Бобоев! Аби...»

Фамилияси нима учун, қаердан, нима мақсадда ўқияпти — англамай довдираб турган эди, консультация имтиҳонлар вақти таниш бўлиб қолган сал олифтароқ ошнаси:

— Нима қип турибсиз? Сизни чақиришянти-ку, кинг! — деди ва уни улкан зал ёнидаги эшикка йўллади.

Хонадаги узунчоқ ёзув столининг тўрида, беш-олти нафар домлалар қуршовида ўтирган сочлари оппоқ, пуроний одам кўзойнагини олиб столга қўяр экан:

— Тортинманг, яқинроқ келаверинг, ука! — деди. Унинг кўзларида ҳорғинлик ва тийраклик балқиб турарди. — Оилавий шароитингизни ҳисобга олдиқ. Биласиз, Тошкентимиз зилзиладан сўнг қурувчиларга муҳтож. Агар қурилишда ишлаш шарти билан қабул қилсак, ўқийсизми?

Ҳаким шундай ҳолатда эдики, кечкими, сиртқи ки хуллас, ўқишга қабул қилсалар — бас, қурилишда ишлаш у ёқда турсин, конда ҳам ишлашга тайёр эди. — Ич-ичидан бостириб келаётган севинчини сездирмасликка тиришиб, деди:

— Бажонидил ишлайман, ишқилиб, ўқисам бўлгани!

— Унда, табриклаймиз! Шу бугундан ўзингизни студент ҳисоблайверинг!..

«Ўзингизни студент ҳисоблайверинг!».. Студент!

Бу дунёда уни беҳад қувонтирган, ҳаяжонга солган, улкан бахт таъдиди қилган гап шу бўлса керак. Ташқарига қандай ўчиб чиққанида ҳам, нотаниш

қизини қидириб топиш умидида боғ кезиб юрганида ҳам, ишга жойлашиб бўлгач, қишлоққа орзиқа-суюна бориб келганида ҳам бу гап унинг ҳар бир куни, соати, дақиқасини ёритиб, нурга тўлдириб турди. Нега ўша пайтда бу гапдан шунчалик қувонган эди? Ҳар қалай, студент бўлгани учунми ё Зебо билан бир шаҳарда яшаб ўқияжаклиги учунми? «Қайтанга яхши бўлди. Ҳам ишлаб, ҳам ўқийман, акамга оғирим тушмасин. Ойимга ҳам пулдан ёрдам бериб туришим керак», деб ўйлагани учунми — ким билади, ишқилиб ўша гап уни бениҳоя севинтирган, аммо бу тасодифми ё аслида шундай бўлиши керакмиди, деб ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Лекин кейинчалик...

Кейинчалик ҳам ишлади, ҳам ўқиди. Шундай ишлади, шундай ўқидики... Қўлига тушган китобни ўқиб туширмагунча, мўлжаллаган ишини битирмагунча, тиним билмади. Фақат, учинчи курсда фалсафа тарихи ўқитувчисининг: «Имлоси тузукроқ бир ўғил бола керак», деб қилган таклифу тавсиясига кўра илмий текшириш институтига лаборантликка ўтгачгина андак нафасини ростлади. Улкан олимлар муҳитининг таъсири бўлса керак, жисмоний ишдан ҳам, ўқишу ёзишлардан ҳам кўнгли қолгандай эди, ўзини авайлайдиган, «азиз жони»ни ҳуда-беҳудага қийнайвермайдиган бўлиб қолди. Аниқроғи — бу ўқишу ишларда тайинли бир мақсадми, ўзига ҳамроз одамми, дил-дилдан талпинган, сизғиниб, қўмсаб, ардоқлаб-эъзозлаши мумкин бўлган ниманингдир етишмаётганини, ёнида кимнингдир йўқлигини ўшанда илқ бор чуқур ҳис қилди.

«Қаҳрамонингиз, Зебо қачон турмушга чиқар экан, деб бир неча йилгача кутиб юраверибди-да? Қаранг, севган қизини қидириб борганида унинг тўйи устидан чиқармиш! Бу, ахир, ғирт тасодиф-ку!»

Тўғри, тан олади: ҳақиқатан ҳам, нима учун шундай бўлгани қиссада ёзилмаган, ҳолбуки ёзиши мумкин эди. Аслида — ҳаётда бу «тасодиф»нинг сабаблари жуда кўп эди-ку. Уларни қиссада қалаштириб ташлаш шунчалик қийинмиди?! Сабаби — унинг такаббурлигида, одамовилигида, ишу ўқишга андармон бўлиб қолганида. Ўзининг «Ҳали Зебонинг ёнига боришга эрта» қабилидаги ўйларида. Сабаби — Зебонинг ўзгарувчан табиатида, уни маҳлиё этган, шуҳрат эгаларига бой шаҳар муҳитида. Сабаби...

Эҳ! Қолаверса, у қидириб бормадику. Бориш хаёлида ҳам йўқ эди.

Институтга лаборант бўлиб ўтгач, бир ҳафтадан сўнг пахтага жўнаб кетди. Пахтада шерикларидан ТошМИ студентлари билан бир совхозда эканликларини эшитди. Шундагина «Эҳтимол Зебо ҳам шу ердадир?», деган фикр миясига лоп этиб келди-ю, эртасига совхоз марказига йўл олди.. Тасодифан иккита студент-ҳашарчи билан ҳамсухбат бўлди. Тўғри совхоз марказига бориши ҳам, сухбати ҳам кутилмаган бир тарзда рўй берди. Табиийки, қиссада ишонарсиз чиқди. Лекин бригадирлари топшириқ билан жўнатсаю ўша болалар Зебонинг курсдошлари бўлиб чиқса, Ҳаким нима қилсин? Унга қолса, бу тасодифдан қочган, ўша мудҳиш хабарни эшитмай қўяқолган бўлар эди-ку! Қайтага, у ичмасди, ҳамманинг олдида шармандаси чиқмасди. Аммо ўшанда — Зебонинг курсдошлари билан ўтирар экан — маст бўлгунча ичгиси, ўзлигини унутгиси келди. Улардан бировининг «Э-э, Зебоми, у пахтага келмади. Файласуф домламиз бор, академикнинг ўгли, ўзи илмий коммунизм кафедрасида ишлайди — ҳозир ўша домла билан тўйлари ўтаётгандир... Каттаконга келин бўлгач, пахтага келармиди! — деганлари, сўнг шеригига ўгирилиб: — Фамилияси Аълоевмиди, а, Фармон?», дегани унинг юрагига наштардек санчилган эди. Нега ҳам сўради улардан? Нимага ҳам гаплашди? Ошхонада ёнма-ён ўтириб қолгани-чи! Билганида... Эҳ! Ўшанда ичиб олиб, ётоқхонага ёқавайрон қайтганлари! Ҳали яхши танишиб улгурмаган ҳамётоқларига — фалсафа институти ходимларига: «Мен файласуф бўламан! Мен файласуфларнинг зўри бўламан! Мана, кўрасиз!», дея алам билан кўксига урганлари! «Қўйинг, ука, қўйинг! Шу туришингизда ҳам сиздан зўр файласуф йўқ!», деб базўр ухлатишгач, эртасига уларнинг кўзига қараёлмай юрганлари — эҳтимол, шулар тасодифдир? Ё бир печа кун ўтиб, ҳовуридан тушгач, ёнида пахта тераётган одамдан астагина: «Аълоев-ким ўзи? Танийсизми?», деб сўраганида унинг: «Э-э, Аълоевни ким танимайди, ахир, бу одам фалсафанинг отаси-ку, академиянгизга мухбир-аъзо — нима, шуни ҳам билмайсизми?, дея қилган жавобими? Ёки ўшандан кейин пахтадан қайтгач, яна ўқишга муккасидан шўнғиб, ўзича «Ёрнинг киндигини топаман!» деган

аҳду қарор билан Сукроту Афлотундан то ҳозирги кунгача «сузиб» келганлари тасодифми? Ёлгон-яшиқ китоблардан бешиб, «Ҳаёт фалсафаси, қайдасан?», дея ҳар таътил халқ оғзаки ижоди бўйича уюштирилдиган экспедицияга ёзилганларию бутун Ўзбекистонни қишлоқма-қишлоқ кезиб чиққанларими? Яна китобларга қайтиб, Тагор асарларининг очиқ саҳифаларига бош қуйганча ухлаб қолганларими? Ё... ўзининг филология факультетини битириб, илмий коммунизмдан диплом ҳимоя қилганига ишониш қийинмикан? Йўқ, адабий ходим унақа демади, деганида диплом ишини олиб келиб, оғзига урар эди-я...

Йўқ-йўқ, аслида буларнинг ҳеч бири тасодиф эмас! Ўша ходим айтган тасодифнинг каттаси у ёқда — бутунлай бошқа нарсада эди. У аввало Шароповни назарда тутди. «Шароповнинг хатти-ҳаракатларига ишониб бўлмайди», деди!

Эсида, университетни битириб, газета-журналларда бир неча мақола чоп эттиргач, Шароповнинг ўзи унга раҳбарлик қилишга иштиёқ билдирди. Ҳаким бажонидил рози бўлди, ҳатто қулоқларига ишонмай қолди: бундан зўри бўлиши мумкинми! Йирик олим, фан доктори, институтдаги нуфузли бир сектор мудир! Ахир, шундай одамнинг шогирди бўламан, деб юрганлар озми!

Лекин... шунга ҳам, мана ўн йил бўлди-я? Вақтнинг ўтишини қаранг. Ўшанда Ҳаким ишга жон-жаҳди билан киришди. Қоғозу китобларга кўмилиб ўқиди, ёзди... Илмий ишнинг не-не режалари, тезислари, «қисқача мазмун»лари, библиографияларини тузмади! Қанча-қанча қоғозларни қораламади! Уларни ўқитувчисининг олдига неча маротабалаб олиб кирмади, лоақал бир марта кўриб беришини сўраб қанча ёлбормади! Ҳар гал ўқитувчиси унинг шаштини қайтараверди: «Оғир бўлинг, ишингизни пухта, қилаверинг, укам! Фалсафа деганлари шундай илмики, у мияда қанча пишитилса, шунча қуюқлашади. Одатда, файласуф қирққа бориб етилади» қабилидаги панд-насиҳатлардан нари ўтмади. Фақат бир марта — бундан икки йилча муқаддам, нимадандир мамнун эканми, илмий ишнинг назарий қисми баён қилинган каттақон мақола қўлёзмасини олиб кирганида «кўриб бериш»га рози бўлди. «Хайрият,— деб енгил нафас

олди Ҳаким,— энди пишиб, қуюқлашди шекилли!»
Бир печа ойни базӯр ўтказиб, ўзи чақиравермагач,
қабулига кирди. Лекин раҳбари бу гал ҳам:
«Анча пишиб қолибсиз, укам. Лекин, ҳали маромига
етмаган жойлари кўп. Ишлайверинг, укагинам, ишлай-
веринг. Ёзаверинг!», дея чиқариб юборди.

Орадан бирор йил ўтиб, янги нашр этилган
коллектив рисолаи варақлаб ўтирганида... тасодифан
ўзининг ўша мақоласига кўзи тушди. Ҳаяжондан
юраги ҳаприқиб кетди. «Наҳотки!.. Менга совға
қилмоқчи бўлибдилар-да!» Шоша-пиша кўз югуртира
бошлади. Худди ўзи! Таҳрир ҳам, қисқартиришлар ҳам
йўқ ҳисоб... Тўсатдан мақола сўнгида қўйилган
исм-шарифга кўзи тушди: «Самад Шаропов, фалсафа
фанлари доктори». И-е, нима бу?! Босмахона хатосими
... йўғ-е, бундай бўлиши мумкин эмас! Наҳотки,
домласи?..

Ўша куни у ўзини қўйгани жой топа олмай қолди.
Бир хонали уйида қафасдаги қушдай учиб-қўниб,
ўтириб, ётиб, туриб, юриб узо-оқ ўйлади. Шундай олим?
Мана, турибди-ку, исботи! Энди нима қилсин Ҳаким?
Нима ҳам қила оларди? «Шундай пастлик сизга ло-
нимиди?», дея довлашиб борсинми? Устидан шикоят
ёзиб, директорнинг олдига кирсинми, бошқа жойга арзи
ҳол қилсинми? Кимга боради, ўша Аълоевнинг ол-
дигами?! Зебонинг каттако-он қайнотасига-я! Йўқ-йўқ!
Бундан кўра без тергани яхши! Қолаверса, ким ҳам унга
ишонарди! Ҳамма уни тўхматчи, шикоятчи, жишнига
чиқариб қўяр. У киму — Шаропов ким! Қолаверса, би-
ров айтиб берса ўзи ҳам ишонмаган бўлармиди... Демак,
борига чидайди-да!

Ўшанда — бундан уч ой муқаддам — у ўз тақдири
ҳақида эҳтимолки ilk марта жиддий ўйга толди:
«Мен нима қилиб, кимга ишониб, кимдан нажот кутиб
юрибман бу талотўп шаҳри азимда, бу ёруғ оламда?!
Йккаш ўзимга, ўз кучимга ишона-ишона келиб тўхтаган
жойим шу бўлдимми? Қолаверса, Зебога аччиқ қилиб
чиранганим билан Шароповга ўхшаган файласуф
бўламанми? Мана шу Шаропов билан бир соҳанинг
одами бўламанми?!»

Эртасига ариза ёзди-ю... ишдан бўшади. Сўраганлар-
га «Қишлоққа қайтмоқчиман, ойимнинг аҳволлари
огирроқ экан, кетишим шарт!», деган баҳонани рўкач
қилди. Ишдан кетди-ю, аммо қишлоққа қайтиш ҳаёлида

ҳам йўқ эди. Ортга қайтиш унга ор эди, шармандалик эди, нотавонлик, хўрлик билан баробар эди! Ўйлаб-ўйлаб, майли, майли, вақтинча бўлса ҳам чекинишга тўғри келади, деган қарорда тўхтади, чекиниш лозим экан, энг тўғри йўл — ота касбига чекиниш! Шундай қилиб, шаҳар чеккасидаги бир мактабга ўқитувчи бўлиб жойлашди...

Қўй энди, азизим Ҳакимбек, ўзингни бос! Ҳар кимнинг ўз ақли, ўз фалсафаси-да! Ўша икки ходим ҳам кўнглидаги гапларини айтди-қўйди. Бўзчи-билганини тўқийди, мулла — билганини ўқийди. Майли, улар нима деса — деявермайдими, тасодиф эмас, қисмат шу — сенинг қисматинг! Шу қисматни қиссага сиғдиришга уриндинг. Ҳар ҳолда, ёмон чиқмаган эди.

Ғалати дунё экан бу! Кимга ёлғон, кимга чин, энди ўйлаб қараса, илк бор Ҳакимнинг мурғак хотирасига ўчмас муҳр босган воқеа ҳам фавқулодда бир... тасодиф экан!

Эсида, мактабга бориш арафаси эди — айнаи ёз пайти — отасию амакиси билан бирга адирга ўтинга чиқишди. Учовлон тонг саҳардан шом қоронғусига қадар ёвshan чопдилар. Оқшом ёвshan дасталарини от-аравага баланд «тоғ» қилиб юкладилар-да, устига ўзлари чиқиб олдилар. Ҳаким отаси билан амакисининг ёнида чалқанча ётган қўйи осмон тўла юлдузларни баҳузур томоша қилиб кетаверди. Ўззу-кун ёвshan дасталаб чарчаган эмасми, кўзлари илинди. Бир пайт уйғониб кетди. Қараса, оёғи — осмондан, араванинг орқасида салангла-аб кетяпти. Амакиси тепада унинг оёқларини жон-жаҳди билан чангаллаган, «отаси эса араванинг қоқ ўртасида тик турганча, бир қўли билан амакисини, иккинчиси билан отнинг юганини маҳкам ушлаб олган...» Уни юқорига базўр тортиб чиқаришгач, отаси билан амакиси ҳам, муқаррар фалокат даҳшатини илк бор чуқур ҳис қилган Ҳакимнинг ўзи ҳам ваҳимадан дағ-дағ титраб, араванинг устида узоқ ўтирдилар, уйга бора-боргунча бу воқеани дам куйиниб, дам кулиб шарҳлаб-изоҳлаб кетдилар. Отаси билан амакиси суҳбатга андармон бўлиб сезишмабди, Ҳаким хашак устидан аста-секин сирғалиб араванинг орқа томонига ўтиб қолибди. Иттифоқо, амакиси қараса, у чалқанча ётган ҳолда боши билан пастга шўнғиётган экан...

Хўш, шу воқеада ҳам тасодиф бормикан! Ҳаким нақ мияси билан тош йўлга йиқилиб, ўша болалик пайтидаёқ ўлиб кетганида — шу тасодиф бўлармиди ё амакиси-

нинг қутқариб қолгани тасодифми? Агар иккинчи ҳол-
ни тасодиф десак, бу дунёда бола зоти қирилиб кетмас-
миди?.. Аслида-ку, бу ерда ҳам тасодиф йўқ, ўзи, амаки-
ни, отаси — учовлон ҳамкорликда яратган қисмат бор,
холос.

Эҳ-ҳ, тасодифлар, тасодифлар! Ўша куни қиссасини
ёнига тушганида дарди-дунёсининг бунақанги тасоди-
фий туюлишини ўйлаб ҳам кўрмабди. Беихтиёр қўлига
қалам олган, юрагини гижимлаётган кечинмаларию кеч-
мишларини қоғозга тўккан эди, холос. Шундай қилгиси
келган эди. Гўё бусиз мумкин эмас. Гўё шу билан тасал-
ли топади. Гўё шундан бошқа йўл, усул, имкон, нажот
йўқ!

«Бир ўтиришда ёзганга ўхшайсиз».

Ҳа-да! Ахир, қаламни отиб юборолмаса, ўрнидан
туриб кетолмаса, нима қилсин! Ёзгани сари жумлалар-
нинг куйилиб келаверганига, мана, ўшандан бери ўзи
ҳам ажабланади. Гўё узоқ йиллар ёруғ оламга йўл топа
олмай, вужудида занжирбанд бўлиб ётган аллақандай
куч Шароповнинг олчоқлиги ё бошқа сабаб билан бир-
данига уйғониб кетди-ю, унинг жисми-жонини куйди-
риб-ўртаб, вулқондай отилиб чиқди. Назарида, Зебони
дастлаб ёқтириб қолганидан бери бетиним қидиргани
энг эзгу, энг муқаддас бир хилқат ниҳоят топилгандай
эди. Кечаю кундуз ёзиб, сўнгги нуқтани қўйгандан
кейингина ўрнидан тура олди. Яхшиямки, бу гапларни
ўша ходимларга айтмади, йўқса, «Лоф ҳам эви билан
да!», деб очикдан-очик кулги қилишармиди! Кейинча-
ниқ котиба қизчанинг «доно маслаҳатлари» асосида ма-
шинкада оққа кўчириб чиқди, устидан имлосини кўрди.
Тамом-вассалом! Қаранг-а, уни «ўзгартириш, қайта иш-
лаш, далиллаш» хаёлига ҳам келмабди. Сирасини айт-
ганда у ниманидир исботлаш мақсадида қисса ёзмади
ку, ўз дардини тўкмоқчи, кўнглини бўшатмоқчи бўлди,
холос. Бир ривоятдаги одамга ўхшаб, «Искандарнинг
шохи бор...» қабiliдаги ичига сиғмай кетаётган гапни
айтиб енгил тортмоқчи эди-да. Нима, одамнинг кечмиш-
лари ҳақиқат-у, кечирмишлари ҳақиқат эмасми?!

«Адабиётда ҳақиқат билан шундоққина юзма-юз
туриш мумкин» эмиш! Очигини айтганда, истеъдод ху-
сусида Ҳаким баҳслашмайди-ю, лекин ҳақиқат билан
шундоққина юзма-юз туриш адабиётда мумкин бўлса,
демак, унинг ҳозирга қадар муттасил қидиргани — ада-
биёт экан-да?! Ахир, у ўз қиссасида олий ҳакамлар дар-
гоҳида айтиладиган «ҳақиқат, фақатгина ҳақиқат, ҳақи-

катдан бошқа ҳеч нима»ни ёзди-ку! Энди уни қайта ишлаш керак бўлса, демак, аввало, тасодифларга тўла ҳаётини қайта ишлаши — қайта бошдан кечириши даркор эмасми?!

О, қани энди бунинг иложи топилса! Қани энди шу ўттиз тўрт йиллик умрини қайтадан яшай олса! Нима қилсин, дунё ҳисобли экан-да! Йўқса, у ҳаётини чиндан ҳам бутунлай қайта қуарди, биронта тасодифга ўрин қолдирмаган бўларди. Эҳтимолки, ўша маҳал, имтиҳон пайтида шивирлашган домлаларнинг олдида тишини тишига маҳкам босиб, жи-имгина ўтирарди-да, математикликка ўқирди. Сўнгра шу ҳисобли дунёнинг ҳисобкитобини қиле-еб юраверарди!

Аммо... энди кеч! Қолаверса, ўша тажрибали, каттакон адабий ходим айтди-ку, «Адабиётда ҳақиқат билан шундоққина юзма-юз туриш мумкин», деб. Демак, у шунча йил яшаб, қидириб-излаб, қалбидаги ҳақиқатни эндигина топганида нега бу топилдикдан воз кечиши керак? Йўқ! Энди ортга чекинмайди, чекинолмайди! Майли, адабиётга қадами тасодифий бўлавермайдими! Унинг юраги мудом шу тарзда уриб турар экан, адабиётдан воз кечишни ҳаёлига ҳам келтирмайди! Бас, шундай бўлгач, у энди бундан бу ёғига, «Бўпти, қиссангизни нашр этамиз!», дейдиган бир мард одамни қидириб яшайди.

Бироқ, қани ўша одам? Кўмак истаб кимнинг олди-га борсин? Ким унга оддий бир инсоний меҳр, хайр-хоҳлик, бағри кенглик билан қарай олади?!

Ўзига шу саволларни берар экан, Ҳакимнинг кўз олдида беихтиёр Ботир Эгамбердиевнинг қиёфаси гавдаланди. «Борса бўлади-ю, аммо...»

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам — университет дипломини қўлига олган куни, чўнтагида кафедрадан ёзиб олган адрес, қидира-қидира Эгамбердиевнинг ҳузурига — Қорақамиш массивининг айланма йўл билан шундоққина туташган жойида қад кўтарган беш қаватли уйга борди. Бешинчи қаватга кўтарилиб, ўпкаси оғзига тикилганча тугмачани босди. Хайрият, домла уйида экан, эшикни ўзи очди. Саломга алик олди-ю, ҳадик аралаш синовчан тикилиб қолди. Ҳаким дарҳол:

— Мени танимадингизми, домла? — деди энтика-энтика. — Ҳов, эсингизда бўлса... сиз сабаб бўлиб университетга кириб қолувдим...

Эгамбердиев ҳақиқатан ҳам эсладими ё азбарои Ҳа-
кимнинг кўнгли учунми:

— Ҳа, бўлди, бўлди, эсладим! — деди юзлари ёри-
шиб. — Келинг, ука?

— Мана, ҳозиргина дипломимни олдим... Раҳмат,
ўшанда битта бегонага ёрдам берганингиз учун! Энди...
домла, ўша яхшилигингизни қандай қайтарсам бўла-
ди? — Ҳаким Эгамбердиевнинг оёқларига бош ургудай,
унга топингудай алфозда эди ўшанда. Ҳакимнинг ҳая-
жони Эгамбердиевга ҳам юқди:

— Менга шу келишингиз, шу гапларингизнинг ўзи
мукофот! — деди у эҳтирос билан. — Энди яхши бир
мутахассис бўлиб, ҳаётда йўлингизни топиб кетсангиз —
бас! — Сўнг тагин унга синовчан тикилди. — Айтган-
дай, қаерда ишляпсиз, ишляпсизми?

— Ҳа, домла, фалсафа институтидаман, — деди Ҳа-
ким мақтанганнамо. — Илмий коммунизмдан диссертаци-
я ёзмоқчиман. Дипломим ҳам ўшандан эди...

Эгамбердиев оқара бошлаган сочларини бармоқлари
билан тароқлар экан, андак ўйланиб турди-да:

— Аммо-лекин сиздан яхши ижодкор чиқиши мум-
кин эди, — деди гўё уни аҳдидан қайтармоқчидай. Сўнг
беихтиёр кулимсираб, сўради: — Хўш, ўша абитуриент-
ликдаги «нега-нега» ларингизга олти йил ўқиб жавоб то-
на олдингизми?

Ҳакимнинг кўнгли равшан тортиб, беихтиёр домла-
га қўшилиб жилмайди:

— Тула-тўқис жавобни-ку тополмадим, лекин топиш
ниятим қатъий!

Эгамбердиев жиддий тортиб, унинг аҳдини қўллаб-
қувватлаган бўлди, эҳтимолки, эътироз билдиришни
эп кўрмади.

— Ҳа, майли, ишингиз ўзингизга маъқул келса бўп-
ти-да, нима ҳам деймиз, омадингизни берсин! — деди.
Сўнг Ҳакимни яна бир марта ичкари таклиф қилди.
Қирмаслигига кўзи етди, шекилли, қўл бериб хайрла-
шар экан, астойдил тайинлади: — Бирон ёрдамим керак
бўлиб қолса, ҳеч тортинмай олдимга келаверинг, бўпти-
ми, ука!

...Ўша ўқитувчига борса?.. Йўқ-йўқ! Нима деб бо-
ради? Бир пайтлар, «Сиздан яхши ижодкор чиқади!»,
деган эдингиз, домла, мана, файласуф чиқмагани учун
тагин олдингизга келдим, дейдими?! Тамом, Ҳаким
энди у одамдан кўмак истаб бормади, боролмай-
ди!

Хўш, бировга бориб эланиш шартми ўзи?! Эҳтимол, вақти келиб, амакиси, математика муаллими, Эгамбердиев, малласоч қиз ёхуд университет ректорига ўхшаш одамнинг ўзи лоп этиб қаршисидан чиқиб қолар?! Яхшиси, мана шу «тасодиф»ни кутади. Ўшандай одамни учратган заҳоти Ҳаким ҳеч иккиланмай, манови қиссасини унинг қўлига тутқазади!..

«И-е, қисса қани?!»

Ҳаким бирдан ўзига келди. Бутун шаҳар сокин тун огушида эди. У бўлса анҳор ёқасидаги ажриқлар устида оқарсувга термулганча ўтирарди! Мажнунтол новдалари нақ боши узра қуйилиб турганию чор атрофнинг зимистонлигиданми, даҳшатли сукунатданми, ё ўзининг янада даҳшатлироқ ўйлариданми, бутун вужуди жимирилашиб, юраги орқасига тортиб кетди: «Бу ерга қандай келиб қолдим?! Нима қилиб ўтирибман? Ўнгимми, тушим?»

Беихтиёр ўрнидан сапчиб турди-да, узоқда қатор тизилишган ёруғ чироқлар сари ўқдай отилди. Катта йўлга чиқиб олганидан кейингина кўнглидан ваҳима бироз ариди. Билагидаги соатни чироқ нурига тутди: чоракам бир! Олтиларда редакциядан чиққан эди. Демак, шунча вақт бу ёқларда довдираб юрибди-да!

Бутун аъзои бадани яна жимирилашиб кетди. Қизиқ, ниманинг аломати бу! Телбалик... Йўқ-йўқ! Хаёл билан бўлиб ўрнидан туриб кетган, юра-юра бу ёқларга келиб қолган. Тамом-вассалом! Энди уйга кетади. Уйга. Сўнгсиз ўйлар уни толиқтирди, мияси қаттиқ чарчади, холос! Туш кўраётгандек туюлаётгани, бошининг гувиллашию маст одамдай қарахтлиги — шундан. Тезроқ уйга бориб, тиниқиб ухласа, ҳаммаси ўтиб кетади...

У шоша-пиша бояги музей ёнидаги бекат томон кетар экан, шундоққина муюлишдан бўш такси чиқиб қолди.

«Тасодифми бу?.. Э-эй, жин урсин!»

Такси тўхтар-тўхтамас эшикни юлқиб очди-да, ўзини орқа ўриндиққа отди. Ҳайдовчи, «Қаёққа?» деб сўраганида эса бутун вужуди бўйлаб ҳоргин бир хотиржамлик таралди. Ўриндиққа ястанар экан, омади чошиб такси учрай қолганию мудҳиш ўйлардан чалғишга имкон топилганидан телбаларча қувониб:

— Янгиобод тарафга! — деди.

Ҳайдовчи эътироз билдирмади. Кўнгли жойига тушиб, Ҳаким баҳузур дарчага кўз тикди. Меҳмонхона ёнидан ўтаётганда чап тарафдаги муҳташам бинога

кўзи тушдию... «Ахир қиссани шу ерда қолдирганман ку!»

— Илтимос, ака, — деди шошилинчда ҳамроҳининг унғ елкасидан қаттиқ чангаллар экан, — шундоқ чапга бурилиб, нариги кўча билан кетайлик!

Ҳайдовчи — қирқ беш ёшлардаги жуссадор, ўриндиққа базўр сигиб ўтирган киши Ҳакимга таҳдидомуз қараб қўйди-да, тўнғиллай-тўнғиллай рулни чапга бурди.

Музей ёнидан ўтарканлар, очиқ деразадан бошини чиқариб, Ҳаким йўл-йўлакай қатор ўриндиқларга бир бир кўз ташлаб ҳайратга тушди. «Кимнинг газзагига дори бўлдийкин?! — дея ўйлади энсаси қотиб. — Уф-ф, бор-йўғи икки нусха ёзган эди-я! Қораламаларини аллақачон йиртиб ташлаган!» Ўзидан қаттиқ нафратланиб кетди. Вой-бўй!

Жуда катта йўқотиш бўлибди-да! Аза тут энди шунгайм!

Музей, ўриндиқлар, чароғон майдон ортда қолди, бироқ боягидек ўй-хаёллар Ҳакимни бирпасга бўлсин тарк этмасди...

Йўқолдими — садкаи сар! Сен бировдан кўчирмагансан-ку, ўз ҳаётингдан кўчиргансан-ку?! Қайта бошдан ёзиб чиқиш қийинми? Балки шунда тасодифлардан ҳам қутуларсан? Сирасини айтганда, ўша адабий ходимлар ҳам ноҳақ эмас эди. «Ҳақиқат! Ҳақиқат!» деб дунёдаги бор-йўқ тасодифларни бир қиссага саржиндай қалаштириш шарт эмасди-да. Ҳаётда нималар бўлмайди! Ахир, адабиёт, бадиий адабиёт ҳаётнинг, ҳақиқатнинг қуруқ нусхасидангина иборат эмас-ку!

Қўй энди, ошна, ўша тасодифларниям, уларга қўшиб қиссаниям!.. Ўзингни ўйла, ахир. Ўзинг ҳам фаришта эмассан?! Ўттиз тўрт йил яшабсан, кимларгадир аччиқма-аччиқ бошингни гоҳ ўтга, гоҳ чўққа урибсан, қайларгадир интилибсан, нималарнидир исботламоқчи бўлибсан, аслида эса, аммамнинг бузоғидай лалла-еёб дуч келган одамдан хайр-эҳсон кутиб юраверибсан. Ғафлатда ётганингда кимдир сени муқаррар ҳалокатдан асраб қолиши керак; кимдир сени ўқишга олиб келиши керак; кимдир «уч» ўрнига «беш» баҳо қўйдириб бериши керак; кимдир, «Йиғини бас қилиб, ўқийдиган бўлсанг — ўқимайсанми!», дейиши керак, яна кимлардир «Эй, яшанг, бор экансизку!», дея илк қиссангниёқ эълон қилдириши керак. Сенингча, бошқача бўлиши мумкин эмас! Сен эса... кимларгадир аччиқма-ачиқ математикадан

воз кечасан; азбаройи кимларгадир ўзингни кўз-кўзлаш учун филфакда ўқийсан; кимларгадир қасдма-қасд файласуфликни даъво қиласан; ниҳоят, ундан ҳам юз ўгириб, бу нотавон кўнглинг яна ижодни тусаб қолади! Тўсиққа учраганингда эса, ҳар гал аламзадалик билан жазавага тушасан. Булар мумкин, сенингча бемалол мумкин, а?! Сенга қолса, қадамингда бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйиб юраверсанг-у, бироқ ўзингга гард юқтиргинг келмаса! Сувдан қуруқ чиқсам дейсан-да! Адабий ходимлар қисса баҳонасида анойилигинг, нотавонлигинг устидан қаҳ-қаҳ уриб кулганларида «Йўқ, унақа эмас, бунақа», деб исботлаёлмадинг, уларнинг пичинглари эшитиб, ичингдан зил кетиб ўтиравердингда, кейин мана бундай тентираб-улоқишга тушдинг. Охир-оқибатда адабиётдан ҳам воз кечиб яна аллақайларга бош уришни хоҳлаб қолдинг! Қаёққа? Осмонгами?! Ўзинг-ку, ўттиз тўрт йилни манови пулўлчагичдай чиқиллатиб уриб қўйиб, ҳали-ҳануз осмонда учиб юрибсан! Бу нотавон кўнглинг тагин нимани истайди?! Ўша адабий ходимлар бир нарсада ҳақ, минг карра ҳақ: «Қаҳрамонингиз ўттиздан ошиб кетибди-ю», тайинли бир иш қилолмабди. Бундай қаҳрамон...» Қаҳрамо-он! Ниманиям бошлаб қўйибсанки, қаҳрамондай кўкрак керасан, ушканг шишиб ҳовлиқасан?! Икки оёқни ерга қаттиқ тираб азот бош кўтарар пайтинг келмадими? Қа-чонгача икки томонингдан липиллаб ўтиб турган манови елдирим ҳаёт — бир тарафдан, юрагингга сиграётган чексиз-чегарасиз туйгулар — иккинчи тарафдан оқиб ётаверади-ю, сен уларнинг қоқ ўртасида қолиб кетаверасан? Бу аҳволда наинки илк муҳаббатинг, илмий ишинг, ўн йиллик умринг, қўлёмаларинг, қолган будшудингдан, тамомий ўзлигингдан ажраб қолишинг ҳам ҳеч гап эмас! Сен шарқироқ сой сатҳида қалқиб кетаётган олмага ўхшайсан; оқиб бораверасан-у, манзилинг қаёқда ўзинг ҳам билмайсан!

Йўқ-йўқ, бас энди, тамом! Шунча йилдан бери намойишкорона юзада қалқишлар етар энди! Кимларгадир аччиқма-аччиқ жазавага тушишлару воз кечишлар, нажот истаб кимларнингдир йўлига термулишларга чек қўяди энди! Сирасини айтганда, шу бугунга қадар у яшамади, яшаш учун ҳозирлик кўрди, холос! Энди тақаббурлик, одамовилик, мўлтониликларни йиғиштириб қўйиб, ўзи ҳам кирои одамларга ўхшаб яшаши керак! Амакиси, математика муаллими, Эгамбердиевларнинг яхшиликларини қайтариб улгуриши керак эмасми,

ахир?! Ахир, тузукроқ бир ўйлаб қаралса, ўттиз тўрт йиллик умри ўшандай кирови одамлардан олинган қарз-ку! Олмоқнинг бермоғи бор, ахир! Демак, у энди қиссасини қайта ёзади. Шундай ёзадики... Ана ундан кейин барча ёзганларини тўплайди-да, тўппа-тўғри... Энг муҳими, бугунгидай, умуман, шу ўттиз тўрт йиллик умрида мубтало бўлганидай, ўз ёғига ўзи қоврилиб юравермайди. Яхшиларга ёндошиб, ёмонлар билан курашиб, қалб дарчасини ҳаммага ланг очиб яшайди! Тамом-вассалом! Бугунча шуниси ҳам етар! Энди, шундоққина уйга киради-ю, ўзини тўшакка отади: ухлайди, мириқиб ухлайди, тонгда эса тиниқиб туради...

СУРНАЙ НАВОЛАРИ

Дунё бир саз қўшиқдан завқ ололсайди,
Бир чолғу чалолсайди, бир тор чалсайди.
Одамийлик шиормас, жон бўлолсайди.
Қанийди...

Миртемир

ЗИЁД ПОДАЧИ АЙТГАН ҲИҚМАТЛИ ГАПЛАР:
«Нега сизга ишонмаслигим керак, иним? Сиз ҳам одам-сиз, икковимизнинг палагимиз битта, ахир! Ёдингизда бўлсинки, иним, одам боласи ҳеч нимага, айтиқса бир-бирига ишонмай қўйдими, дунёда нақ қиёмат қўнгани шу!»

«Ҳеч бир элни четдан келган ёв енголмайди. Ўзингдан чиққан ёв ёмон».

I

— Ғафлат босиб ётаверасизми? Ўрнингиздан туринг-да, энди!

Озод болаларини богчага олиб чиқаётган Райҳоннинг бу гапларидан сергак тортиб, хонтахта устидаги соатига чўзилиб қаради. Тўққиз! Энди ишга кечикиши аниқ! Камида бирор соатлик йўл. Буёқда ҳали автобус кутиш ҳам бор. Тезроқ туриш керак! Шу пайт кеча ишхонасида рўй берган можаролар хаёлига бехос ёпирилиб кирдию қаддини тиклаган жойидан тагин ўрнига чўзилди. Алам билан ўйлай бошлади: «Бари

бир энди беҳуда. Тамом! Бугундан талотўн бошланса керак. Бу талотўпдан ундан каттароқларнинг ҳам омон чиқиши даргумон!» Бироқ кеча оқшом хайрлашар экан, собиқ раҳбарлари Мирзаев айтган гаплар ҳам ёдига тушди-ю, шаҳд билан ўрнидан турди. Апил-тапил кийиниб, ишга отлана бошлади.

Бугунга қадар Озод ишга кечикишни тасаввур этолмасди. Мана, ўн уч йилдирки, ҳамиша иш вақтидан анча аввал етиб боради. Нимагаки қўл урмасин, астойдил, бутун вужуди билан берилиб ишларди. Айрим ҳамкасбларидек, ишга кечроқ бориб, вақтлироқ жуфтак ростлашни ҳаёлига келтирмасди. Ҳатто алламаҳалгача қолиб кетар: қоғозларини тартибга келтирар, эртанги ишини режалаштирарди. Агар кайфияти яхши бўлиб, куй басталаш ёхуд мақола ёзишга уннаб қолса-ку, то уни тугатмагунича ўрнидан қўзғалмасди. Консерваторияни битириб, санъатшунослик институтида, мактабда. Маданият министрлигида ишлади. Мана, уч йилдирки, Бастакорлар союзида ишляпти — ҳамиша шу аҳвол. Ҳозир, бутун ҳаёт-мамоти қил устида турган пайтда-ку, ишдан кечикиш... даҳшат! Тонг-саҳарда икки соатгина мизғиб оламан деб, донг қотиб қолганини қаранг! Райҳон айтганидек, ғафлатда бу, ғафлат! Ҳар қалай, шу бугун кечикмаслиги керак эди-да!..

Озод аламли ўйлар исканжасида шошилинич туфлисини кияркан, эшик ортида калит шиқирлади. У ҳайрон бўлиб эшикни тортди. Бўсағада Райҳон турарди.

— Ҳа, намунча тез?..

Хотини саволни эшитмагандек, унга ташвишли қаради:

— Ие, ҳалиям уйдამисиз?!

— Намунча тез қайтиб кирдинг, деяпман? — ўшқирди Озод.

Райҳон остона ҳатлаб, йўлакка — унинг ёнига ўтди-да, тезда эшикни беркитди.

— Секинроқ, қўшнилар эшитади, — деди қарийб шивирлаб. Сўнг йиғламсираб ҳасрат қила бошлади. — Фарҳодингизнинг куйдиргани етарли бўлди менга. Нақ ярим йўлда «боғчага ўзимиз чиқамиз, сиз етаклаб оборсангиз чиқмаймиз», деб оёқ тираб туриб олса денг! На тушунтирганга кўнади, на алдаганга!

Озод аламдан «дод» деб юбораёзди. Ё тавба! Мунча содда, лаллайган бўлмаса бу хотин?! Табиатан сал нарсага ловуллаб кетадиган тажангроқ одам эмасми, бу янгиликни эшитиб баттар жиғибийрони чиқди:

— Олти яшар боланинг гапига лаққа ишониб ярим йўлдан қайтиб келавердингми?! — деди бўғилгудек бўлиб. — Ахир, боғчага кирмай, бошлари оққан та- рафга кетиб қолса нима қиласан?! — ўз гапларининг маъносини дафъатан англаб етди-ю, беихтиёр юраги шу- виллади. Шаҳд билан буюрди: — Чоп! Тез чиқиб қара! Боғчага киришибдими-йўқми, бил! Бу аҳволда хотир- жам ишлаб бўладими энди!

Райҳон бир муддат талмовсираб турди-да, ташқари- га йўналди. Озод оёқ кийимини ечмай, ўзича гудранган- ча тўппа-тўғри ошхонага — ўтган йили газ-сувни айвон- чага кўчириб, «кенгайтирган» қўлбола кабинетига ўт- ди. Папкасини ёзув столи устига ташладию ҳолсизла- ниб курсига ўтириб қолди. Тирсагига таянган ҳолда бошини ушлади. Икки чаккаси лўқиллаб оғрир, кўнгли беҳузур бўлмоқда эди. Ҳаммаси асабдан! Айниқса, кейинги пайтларда сал нарсага асабийлашаверадиған бўлиб қолди. Қизиққонлик қилмаслик, ортиқча эҳти- росларга берилмаслик керак. Кўпам қизишавермаслик, асабни асраш керак. Бироқ...

Нималар бўляпти ўзи? Кейинги уч-тўрт йил ичида ишлари бинойидек юришиб келаётувди-я! Мана бир хона бўлса ҳам бошпанамиз бор, ширин-шакар бола- ларимиз бор, ҳазилакам гапми. Бастакорлар союзи- дек улкан даргоҳга ишга жойлашиб олдим. Ана энди енг шимариб ишлайман, ўқиб-ёзаман деб тургани- да, ҳали мажлисбозлик, ҳали қоғозбозлик, ҳали янги уй васвасаси-ю, ҳали ўша лаънати Поёновнинг хатлари билан боғлиқ машмашалар... Устига устак, Фарҳоднинг манавинақа хурмача қилиқлари. Шуниси энди камлик қилиб турувди-да!

Йўқ, ўйлаб қаралса, айб ўғлида эмас, хотинида ҳам эмас, ўзида! Ҳа, ўзида! Ўзи «арзандам, ўттиз ёшда кўрган ёлғиз ўғлим», деб уни ҳаддан ташқари эрка- латиб юборди. Айтганини хўп деб муҳайё қилаверди. Вақтида мундо-оқ таъзирини бериб қўймади. Мана — оқибат! На онасининг айтганини қилади, на отасининг! Олти ёшидаки шундай, эртага ким бўлади бу бола?!..

Озоднинг хаёллари шу ерда узилди: йўлакда Рай- ҳон кўринган эди. Ўрнидан туриб, унга рўпара келди: — Хўш?

Хотинининг юзлари, кўзлари, бутун вужудида ваҳима акс этиб турарди:

— Йўқ-ку?

— Нима «йўқ-ку?»

— Болалар... — деди Райхон йигламсираб, — богчага кирмабди.

— Қанақасига?

— Билмасам...

— Нимани биласан ўзи?! — Озоднинг яна фиғонидан дуд чиқди. — Тузукроқ қидирмагандирсан-да, бир зумда ер ютиб кетмагандир уларни! — Шундай дея, қаршисида жовдираб турган Райхоннинг кўзларига даргазаб тикилди. Бир хаёли: «Бор-э, ҳаммаси менга таъми! Ўзинг йўқотдингми, ўзинг қидириб топ энди! Бир бошимга ишхонадаги ташвишлар ҳам етарли бўляпти», дея қўл силтаб чиқиб кетмоқчи бўлди. Бироқ болалари... Не-не кўргиликлардан сўнг худодан тилаб олган болалари қани? Уларни бу ландовурнинг қидириб топишига ишониб бўладими?! Қутилмаганда ёввош тортиб, овозини бир парда пастлатди: — Қани, юр-чи, биргалашиб қидирайлик. Болаларни топиб олайлик, ана ундан кейин!..

Ўйларидан богчагача нари борса юз қадам. Икки тарафида турнақатор гаражлар саф тортган ярим айлана жинкучадан ўтилади. Тикка йўл бўлса-ку, тагинам қисқароқ. Икки ярим йил аввал — шу бир хонали кооператив уйга кўчиб келганларида қандай қувонишган эди — қандай қувонишган эди! «Бу уйнинг ажойиблиги»ни, «биринчи қаватлиги»ни, айниқса «богчанинг яқинлиги»ни бир-бирларига мақтайвериб эслари кетувди. Фарҳодни-ку, бошқа богчадан ўтказишган. Лекин ўша пайтлар икки ёшга тўлган Маржонни жойлашда кўп елиб-югуришга туғри келди. Қутилмаганда «энг зўр йўли» топилди: Райхоннинг ўзи ҳам богчага тарбиячи бўлиб ишга кирди. Ўшанда шунақанги суюндиларки!.. Хотини ҳар куни эрталаб Фарҳодни етаклаб, Маржонни кўтариб богчага чиқади: она — ишга, болалар — тарбияга. Кечқурун учовлон бирга қайтиб киради. Ҳузурижон! Яқинлигини айтмайсизми!

Энди — бугунга келиб шу қўл узатса етгулик жойда бирваракайига икки боласи йўқолса! Ишониш қийин! Қаёққа ҳам йўқоларди! Богчага киришни истамаган бўлсалар, ойиларини алдаб, энди бирон жойда ўйнаб юришгандир. Негадир кейинги пайтларда Фарҳоди галати қилиқлар чиқара бошлади-да, ўзи! Тунов куни ҳам...

Тунов куни қизиқ бўлди. Райхоннинг айтишича, болалари богчадан кириб, майдончада ўйнаб юришган экан. Кечки овқатларини тайёрлаб чақиргани чиқса,

йўқмиш. Шу орада ишдан қайтиб келган Озод уйга ҳам кирмай, у ёққа чопди-бу ёққа чопди, қани энди топиб бўлса-чи! Қўшни уйлардан сўраб-суриштиравериб эси кетди. Бир пайт чарчаб-иналвираб ортига қайтса, аллақайси қўшниси Райҳонга ғалати гап етказибди: «Ўғлингиз нон дўкони олдида ўтган-кетганга қўл чўзиб, тиланчилик қияпти».

Озод ғазабдан жизғанаги чиқиб, бирор чақирим наридаги нон дўкони тарафга югурди. Узоқдан болаларига кўзи тушиб, андак енгил тортди. Қизиққонлик қурсин, дарахт панасида туриб кузатди: девор-дармиён қўшнисининг биринчи синфга қатнайдиган шумгина ўғли Жамол газ-сув олдида. Фарҳод билан Маржон бўлса, қўл ушлашганича йўлнинг қоқ ўртасида туришибди. Болалари мимит қўлчаларини олдинга чўзганча дуч келган одамга жўр бўлиб ёлборишади: «Амаки, уч тийин беринг! Амати... уч тийин». Бир амаллаб ундиришган чақаларни Жамолга обориб беришади. Жамол газ-сув ичади. Ортган чақани чўнтакка уради. Болалари унга мўлтираб қарашади. Ниҳоят, Жамол уларни яна пул ундиришга ундайди.

Бу манзара ўзига яраша ориятли Озодга қаттиқ таъсир қилган эди ўшанда. Маржон-ку, атиги тўрт йилар — тушуниб етмас. Бироқ ишонган ўғли?.. Бир ҳаёли — лақмалиги учун Фарҳоднинг таъзирини бермоқчи бўлди. Яна ўзини босди: лақмароқ бўлса ҳам, ҳар қалай, якка-ягона, арзанда ўғил ахир! Йўл-йўлакай қойиш, тушунтириш билан кифояланди.

Икки ҳафтача аввал яна бир ишқал чиқдики, аввалгисидан чандон ошиб тушди.

Ўша куни эрталаб ҳам Фарҳод «Боғчага чиқмайман!» деб оёқ тираб олди. Можарога Озод аралашишга мажбур бўлди. Худди кексалардек, илк бор панд-насихат қилди: «Бу қанақаси, ўғлим,— деб уни қойиди Озод,— ким айтади сени қап-катта, тушунадиган, ақлли йигит деб? Мана, яқинда мактабга борасан. Инги уйга ўтсак, сенга атаб тўй қиламиз, шундай катта йигит ҳам ёш боладек инжиқ бўладими? Бундан кўра, боғчага чиқиб, ўқиш-ёзиш, сурат чизишни ихшироқ ўрган. Айниқса мусиқа машғулотларига ихшироқ қатнаш! Ахир, сен бастакорнинг ўғлисан, болам...»

Начора, бола — бола-да: сал нарсадан — хурсанд, сал парсага — хафа. Маълум бўлишича, группаларидаги Туробжон деган бола ўғлини «Пароход-пароход»

деб масхараларкан. Мен пароходмас, Фарходман, деса ҳам мазах қилишини қўймас экан. Хўрлиги келиб, боғча опасига арз қилган экан, боғча опаси «ўзинг Туробжоннинг жигига теккансан» деб, Фарходни бурчакка турғазиб қўйибди. Шугина гап экан. Озод: «Ўзинг ҳеч кимнинг жигига тегма, одобли бола бўл-да» деб, тагин танбеҳ берди. Ётаклаб боғчага олиб чиқди. Боғча опасидан ўғлининг «беадаблиги» учун узр сўради. Кечқурун Райҳондан асли гап нимадалигини билди-ю, миясига қон тепди: «Ўша мегажин бола тарбиялайдиган аёл эмас ўзи! Туробнинг бойвачча отасидан кунига-кунора совға-салом олиб туради-да, шунинг учун тили қисик. Сизда бўлса, нота билан сурнайдан бошқа ҳеч вақо йўқ!»

Бирон кун боғчага чиқиб, «тарбиячининг бўшашган танобини тортиб қўйиш»га чоғланди. Кутилмаганда ишхонасида бири-биридан ажойиб-ғаройиб можаролар авж олиб кетди-ю, бундан зарурроқ ишлари ҳам сабил қолди.

Ҳа, нима бўлса — бўлди, натижа шуки, эр-хотин биргалашиб уйлари олдидаги майдончани, гаражлар атрофини, боғча теварагини кезишга тушдилар. Райҳон «балки кечроқ киришгандир» деган хаёлда йўл-йўлакай яна боғчага бош суқиб, ҳамкасабаларидан сўраб-суриштирди. Нон дўкони атрофларига ҳам бориб келдилар. На Фарходдан, на Маржондан дарақ бор эди! Эр-хотиннинг хавотири кучайгандан кучайди: қизиқ! Қуппа-кундуз, атиги беш дақиқаю юз қадамнинг нари-берисида бирваракайига икки бола йўқолса-да, уларга нима бўлганини ҳеч ким кўрмаса-билмаса! Бунақаси унча-мунча саргузашт фильмларда ҳам бўлавермайди, ахир!

«Балки уйга келишгандир?» деган умидда ортларига қайтдилар.

Мужмалроқ бўлса-да, ҳар қалай, умидбахш гап иккинчи қават деразасидан уларни кутибми-кузатиб турган қўшни аёлдан чиқди. Аёлнинг айтишича, у кеча кечқурун икки болакайни (ҳойнаҳой, Фарход билан Жамолни) автобус бекатида кўрганмиш. Иккиси бекатдаги ўриндиқда ниманидир қизгин маслаҳатлашишаётган экан.

Райҳон чопқиллаганича Жамолларникига чиқиб кетди-ю, зум ўтмай бўшашибгина қайтиб тушди: қўшни аёл эрталаб ўғлини ўзи мактабга қўйиб келганмиш.

Эр-хотин ўйлашиб-кенгашиб, аразлашиб-аччиқлашиб, ахийри шундай тўхтамга келишди: Озод мактабга боради — Жамолга учрайди. Балки калаванинг учини шу бола топиб берар? Баҳонада ишхонага қўнғироқ қилади. Болаларим йўқолиб қолди. Топилиши билан етиб бораман, дейди. Райҳон бўлса, уйдаги чақалоғидан бирров хабар олади-да, қўшнилاردан сўраб-суриштиради. Балки ҳар куни кечки салқинда майдончада ўйнайдиган, богчага қатнамайдиган болалардан бирон-кетининг уйида ўтирган бўлиб чиқар?..

Иккала тахминда жон бордек. Қолаверса, эр-хотин учун айна лаҳзаларда энг тўғри тadbир шу эди, бошқа йўл йўқдек эди.

2.

Озоднинг оёқлари ҳам, мияси ҳам фавқулодда шиддат билан ишларди. Айна лаҳзаларда у жон-жаҳди билан интилган манзил — аллақандай қўшнининг ўғли ўқийдиган аллақайси мактаб эди. Бироқ югуриб йўртиб — мактабга, ўйлаб — ўйининг тагига етолмасди. Хўш, аслида қай манзилга етиб бормоқчи у? Манзили — мактабми? Мактаб, холосми?

Одамзод интилишларининг ниҳояси бормикин сира? Бор бўлса, нега кўпчилик тоза ҳаво, зилол сув, бепоён кенгликни ортда қолдириб, чироққа талпинган парвонадек, йирик шаҳарларга интилиб яшайди бугун? Нега шундай? У-ку, ота васиятига кўра жамики сурнай куйларини нотага кўчираман, миллий чолгуларимиз, аввало сурнай ҳақида каттакон китоб ёзмаман, деган муқаддас орзу сабаб шу ғала-ғовур, диққинафас шаҳарда яшашга мажбур! Бошқа ҳеч бир куч уни бу ерда ушлаб қололмасди: етти отаси яшаб ўтган ўша кафтдек теп-текис, ясси-яйдоқ, эҳтимолки шуниси билан ўзи учун ардоқли юртига кетарди, жон-жон деб кетарди! Бироқ, манави қават-қават бинолар ўрмонзориди шердан ҳадиксираган қуёндек ночор қунишиб-ғужанак бўлиб, ўз қобиғига мустаҳкам ўралиб олган одамларни шаҳарда қандай куч ушлаб турибди экан? Наҳотки, ҳаммалари Озодга ўхшаб ҳаётининг бирдан-бир маъносига айланган орзу йўлида ишаётган бўлсалар? Ё фаровон, маданий яшаш истагимикин бу кўч? У ҳолда, бир қадоқ яхлаган гушт ёхуд кукундан қайта ҳосил қилинган икки коса сут учун кунора соатлаб навбат кутиш... — фаровонликми? Шун-

доққина девордармиён қўшнининг хонадонида нималар кечаётганига лоқайдлик...— маданиятми?! «Ит ётиш, мирза туриш» деганлари бундан ортиқ бўлмас! Қизиқ, мана шу бир-бирларига устма-уст яшаётган минглаб одамларнинг ҳар бири нималарни бошдан кечираётган экан-а? Улар орасида Озодга ўхшаб тордек таранг асаб билан яшаётганлари озмунчамикин: ўз ёғига ўзи қоврилиб, мустаҳкам бошпаналарига ўз ихтиёрига кўра қамалиб, каттакон дунёнинг ҳайратомуз кенгликларидан бебаҳра... Янаям қизиқроғи: шу уйларда яшаётганлар кимлар, қандай одамлар экан-а? Арслонову поёновларми? Мўмин Шокиров, норқуловларми? Қурбон султонларми?! Мусавой ака билан опоқи-ку, бундай «қават» — ларда яшамайдилар. Балки ҳаммалари Мирзаев, Эҳсонов ёхуд Ҳўрабоев тоифасидаги одамлар бўлиб чиқар? Ёинки оқилхоновлардир? Қошқийди шундай бўлса! Бу «шаҳар — ўзаро туташ кенгликлардан иборат», деган сўз-ку, ахир! Лоақал кейингилари кўпроқмикин? Бу уйларнинг аксариётида арслоновлару қурбон султонлар яшаётган бўлиб чиқмасмикин мабодо?!.

Ким билади, балки аллақандай мактабда эмас, шу атрофда — икки томчи сувдек ўхшаш манави баҳайбат уйларнинг қайбиридадир ўтиришгандир болалари? Бироқ... қай бирида, кимларнинг қошида? Уларга олиб борадиган йўл қани? Шу йўлмикин? Уфф! Беихтиёр юраги сиқилади одамнинг.

Озод тугилиб ўсган қишлоқдан ун чақиримча берида қадимий Ясси шаҳри жойлашган. Аҳмад Яссавий мақбараси — шаҳарнинг қарийб ягона фаҳри ва кўрки. У ҳар гал юртига борганида ана шу мақбара тепасига чиқиб, чор-атрофни томоша қилади. Мақбара кифтида бутун вужуди қушдек енгил тортади. Сабаби: теп-текис, ясси ерлар эмасми, уёғи — Қоратоғ, буёғи — Сирдарёга туташувчи ажиб бир сайхонлик кўз олдида кафтдагидек намоён бўларди. Озод бу кенгликларни қучгиси, бағрига сингдиргиси келарди. Беихтиёр кўкси тулиб, юрак-бағри кенгайиб бораётгандек, руҳан тиниқлашиб, қўнгли ғусса-ғуборлардан фориғлашаётгандек туюларди.

Раҳматли отаси Зиёд сурнайчи ана ўша кенгликларнинг чинакам шайдоси эди.

Қишлоқда отасининг исмига дам у, дам бу лақабини қўшиб айтишарди: ё «сурнайчи, ё «подачи».

Чунки, отасининг ўзи ҳамиша фахрланиб айтганидек, у «эсини танибдики, икки касбни канда қилмаган: пода боққан, сурнай чалган»; ҳар куни тонг-саҳарда йўрга эпагини миниб, сурнайини этигининг қўнжига тиқиб, адирга отланади. Ўззукун пода боқади. Подадан қайтач, оқшом чоги тўйларда сурнай чалади. Ҳамюртларининг айтишича, Зиёд подачи «бир умр сурнай чалиб яшаган»миш: кундузи адирда — сигирларга, кечқурун тўйда одамларга.

Бу гап ростми ё лофми, рост бўлса — сабабми ё оқибатми, ҳар қалай, Озодга шуниси кундек равшанки, отаси ўз умрини сурнайсиз тасаввур қилолмасди. «Сурнай халқимизнинг энг қадимий, энг муқаддас чолғу асбоби, — дея астойдил уқтирарди Озодга кўкси фаҳрга тўлиб. — Бошқа чолғу асбоблари бунинг олдидан ўтаверсин! Ўзинг ўйлаб кўр, сурнайсиз тўй-тўйми? Тўйсиз умр — умрми? Билсанг, сурнайнинг торгина бўғзига бутун дунёни сиғдириш мумкин! Фақатгина багринг кенг бўлиб, астойдил ихлос билан нуфласанг бас! Ахир, бир гап борки, ҳиндилар сурнай билан илонни аврайдилар. Нақ илонни-я! Ҳалиги, нимаиди, «Сангам»даги йигит айтади-ку, «...Сулаймон пайғамбар ҳам соҳилда ўтириб сурнай чалармиш»...

Куллардан бир куни, ўшанда еттинчида ўқирди шекилли, Озод отасига ниҳоятда маъқул гап топиб келди. Ёзувчи Асқад Мухторнинг «Чинор» романини ўқир экан, ғалати ривоятга дуч келди: эмишки, тутқунликда куйиб адо бўлаётган асир юртдошларини ҳаётга қайтариш мақсадида сурнайни дастлаб Форобий кашф этган! Ривоятни ўқиб берган эди, Зиёд сурнайчи севинчдан ўзини йўқотиб қўяёзди. Мана, кўрдингми, — деди ёш боладек суюниб, — сурнай нима-ларга қодир! Сўнг кўзларида Озодга меҳрибонликми, ҳурматми, балқиганча термулди. — Рост бўлса, шу одам биздан қирқ-эллик чақиримча нарида — Сирдарё бўйида яшаб ўтган экан. Мулла Ёқубнинг айтишича, мусиқа тўғрисида ҳам китоб ёзганмиш. Ўша китобни топиб ўқисанг, ёмон бўлмасди-да, ўғлим. — Кейин Озоднинг қўлидаги китобни олиб, варақлади-варақлади-да, ёзувчини алқай кетди: — Бу, барака топгур, Асқад Мухтор деганлари ўта билимдон одам эканда, а? Шу-ундоқ кўҳна ривоятларни билар экан-а, қурмагур...

Тўнгич ўғил эмасми, отаси Озодга қайта-қайта

насихат қиларди: сен ҳам, ўғлим, ҳозирдан сурнайга ихлос қўй. Майли, подамни боқмасанг — боқма, лекин вақти келиб қўлимдан сурнайимни ол. Юртнинг яхши кунларида хизматини қил, олқишини эшит. Ҳали улғайганингда сени ўқишга олиб бораман. Сурнайчиликнинг энг катта мактабига! Ана ўшанда ўқиб-ўқиб, сурнай тўғрисида ка-атта китоб ёзасан...

Эсида, ниятига эртароқ етай дедими, ё «ҳарна эртароқ ўқийверсинчи» деган фикрдамиди, отаси Озодни «каттакон ўқишлари бор каттакон шаҳарга» бундан йигирма икки йил муқаддам, саккизинчи синфни битиргач, олиб келган. Ҳозир аниқ эсида йўқ: қайсиям мусиқа билим юртига. Озоднинг аниқ-тиниқ эсида қолгани шуки, отаси билим юртининг директорими — ўқитувчисими, аллаким билан хафаллашиб қолганди ўшанда.

Билим юртида сурнай курси йўқ экан, буни эшитиб отаси дам ажабланган, дам аччиқланган, кейин ҳамсуҳбатини койиган эди: «Ие, қанақаси бўлди, иним? Сурнайсиз бу мактабда қайси куйни ўргатасизлар? Ахир, чолғувчи юртнинг тўйида керакми, азасидами?.. Тўйида бўлса, айтинг-чи, сурнайсиз тўй — тўйми?..»

Ўшанда қишлоққа қайтар эканлар, отаси иккита гап қилди. Биринчиси: «Шаҳар деганлари яхши экан-у, бироқ унда кенглик билан сурнай етишмас экан». Иккинчи гапи шу бўлдики, ўқиб, кўнгли чўкиб қайтаётган Озодни овутди: «Ҳа, майли, мактабингни битиравер-чи, ўлмасам, ҳали яна олиб келарман».

Лекин Озодни ўқишга яна олиб келиш отасига насиб қилмади. Ким билсин, нима сабаб бўлди: «биринчи ташриф»ми, ё қишлоқда шу ташриф туфайли рўй берган можароларми, хуллас, орадан бирор йил ўтиб... отаси қазо қилди. Озоднинг билгани шу бўлдики, ўшанда — қишлоққа қайтган кун — отасини раис чақиртирибди. Борса, раис унга ўшқира кетибди: «Нега жамоа подасини қаровсиз ташлаб қетдинг», фалон-писмадон! Отаси, ташлаб кетмадим, ферма мудирига айтиб кетдим, деса, раис янада қаттиқроқ ўшқирибди: «Нима, олий маълумотли ферма мудир сенинг ўрнингга пода боқадими?!» — Ферма мудир боқса нима қилибди, бор бўлса қогози бор, шох-бутоги йўқдир, дебди отаси бу гапдан қаттиқ ажабланиб, қолаверса, бир кун — минг кун эмас-ку... «Ҳа, майли,